

ЭШИТИШИДА НУКСОНИ БОР БОЛАЛАРНИ  
ОИЛАДА ТАРБИЯЛАШ

Кодирова Махзуна<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Андижон Давлат Педагогика Институти Мактабгача

Таълим Факултетининг Махсус Педагогика Кафедраси Уқитувчиси

Низомова Зулхумор Нематовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Андижон Давлат Педагогика Институти Мактабгача Таълим Факултетининг  
Махсус Педагогика ЛОГОПЕДИЯ йуналиши 2-курс талабаси

МАҚОЛА  
МАЪЛУМОТИ

ANNOTATSIYA:

МАҚОЛА  
ТАРИХИ:

Received: 28.12.2024

Revised: 29.12.2024

Accepted: 30.12.2024

КАЛИТ СУЗЛАР:

Мақолада эшитишида нуксони бор болаларнинг ривожланиши ва жамиятга интеграциясини таъминлашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти мухокама қилинади. Шунингдек, ушибу болаларнинг тарбиясида психологик, педагогик ва техник ёндашувлар мухимлиги қайд этилади.

Сурдопедагогика,  
эмпатия,  
тарбия, бола, оила,  
интеграция,  
коррекция,  
педагогика,  
реабилитация

“Табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жихатдан соглом килиб устириши, уларнинг баҳту саодати, келажагини куриши, дунёда хеч кимдан кам булмаган авлодни тарбиялаш орзуси туради”

И. Каримов

**КИРИШ.** Эшитишида нуксони бор болалар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тарбияланиши учун оиласидаги мухит ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай болаларнинг имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш мухимdir.

Эшитишида нуксони бор болалар ўз ривожланиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликлар нафақат уларнинг таълим олиши, балки ижтимоий муносабатларни шакллантиришига ҳам таъсир қиласи.

Ўзбекистонда бундай болалар учун маҳсус таълим тизими ва қўллаб-қувватлаш хизматлари жадал ривожланмоқда. Бироқ оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг болаларни қабул қилиши муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Асосий кисим:

2012 йилнинг Президентимиз И.Каримов таклифлари билан “Мустахкам Оила йили” деб эълон килингани бу масалага давлат микёсида эътиборни янада ошириб юборди. Зеро мамлакат фаровонлигининг, унинг келажаги булган ёш авлод тақдирининг пойдевори оиласида яратилади. Айникса бола тарбияси борасида оила ва давлат максадлари бир-бири билан уйгунлашиб кетган.

Шундай экан, ушбу максадга эришиш йулида амалга ошириладиган ишлар, уларни амалга ошириш йуллари ва усулларида хам уйгунлик булиши талаб

килинади. Бунга эришишда аввалам бор оила ва мактабгача таълим муассасаларининг ҳамкорлигини мустахкамлаш болаларнинг дунёкарашини шакллантириш, уларни жисмоний, ахлокий, маънавий жихтдан етук шахслар сифатида тарбиялашда муҳим ахамият касб этади.

Оилавий тарбия шароитнда кар ва заиф эшитувчи болаларга педагогик ёрдам аввалам бор нуткини ривожлантириш ишларини кузда тутади. У тил кобилиятини шакллантириш, нуткий жараённи узлаштириш ва тил стандартини амалий эгаллаш, шунингдек лугаг бойлигини ошириш, суз маъноларини аниклаштириш ва жумла куришга кумаклашишни кузда тутади. Бундай иш учун ривожлантирувчи характерга эга булган фаолият турлари асос булади.

Тарбияни эрта бошлишнинг ахамияти хакида куплаб файласуф ва олимлар фикр билдирган. Психологлар тадқикотлари хам хаётининг илк кунларидан максадга йуналтирилган, яъни маҳсус ташкил этилган тарбия инсоннинг ривожланиши учун катта ахамият касб этишини исботламоқда. Мамлакатимизда мактабгача тарбиянинг бола туғилганидан бошлиб то мактабга қабул килингунига кадар даврни камраб олган ягона тизими, эшитишида нуксони булган болалар учун эса маҳсус мактабгача тарбия муассасалари жорий этилган. Кар ва заиф эшитувчи бола учун мактабгача тарбия алохида ахамият касб этади, чунки илк даврида, таҳминан бир ёшгача, хали боланинг тили чиккунига кадар эшитадиган ва кар болалар уртасидаги тафовут у кадар кузга ташланмайди. Эшитишида муаммоси булган болани нуткка ургатишни канчалик эрта бошласангиз, унинг ривожланишида эшитадиган бола билан фарқ шунчалик кам ва кейинги таълим имкониятлари шунчалик куп булади. Болалар бօғчасида сурдопедагог ва тарбиячилар уни шу ёшдаги эшитадиган болани хамма нарсага: расм солиши, ёпиштириш, куриш, санаш ва хатто ракс тушишга ургатишади. Хамма болалар каби уни хам меҳнатга, озодаликка, мулојимликка ургатишади. Бунда меники-бизники, мумкин-мумкин эмас, рост-ёлгон каби куплаб хаётий муҳит, илк ёшда

шакллантириладиган ва бевосита тарбия натижаси саналмиш тушунча ва куникмалар шакллантирила бошлайди. Эшитишида муаммоси булган мактабгача таълим ташкилотида, болаларни гапириш ва нуткни тушунишга ургатишади, унинг колдикли эшитишини ривожлантирилади. Таълимни кечиктириб булмайди. Чунки бу давр ичидаги эшитадиган бола эшитиб ва эслаб колган хар бир суз билан кар бола хамда эшитадиган бола уртасидаги фарқ ортиб бораверади.

Ота-оналар кар болаларнинг мактабгача тарбиясидаги учта мухим дастлабки коидани билишлари керак. Биринчиси. Соглом кар боланинг аклий ривожланиш имкониятлари эшитадиган боланикидан асло кам эмас. Юкори даражада талабчанлик ва малакали таълим билан уйгунашган мухаббат - шу имкониятларни реализациялаш имконини берадиган шарт-шароит шундан иборат. Муваффакиятга ишониш, шу ишончни болада тарбиялай олиш - кар болани баҳтли килиш ва уз нуксонини хис килмаслик, хеч булмагандан ундан азият чекмасликка ёрдам беришнинг мухим омили. Иккинчиси. Тарбиянинг умумий масалалари, унинг хиссиёти, хулкини тарбиялаш маҳсус тарбияга караганда иккинчи даражали эмас, балки маҳсус тарбиянинг асосини ташкил килади. Зоро фарзанд, аввало фарзанд, кейин эса кар. Буни унумаслик лозим. Унинг маънавий киёфаси, унинг шахсини тарбиялаш - маҳсус уқитишнинг хар бир вазиятини белгилайдиган асосий жихат шу. Бунда кар бола хулкини тарбиялашга унинг эшитадиган тенгдошининг хулкини тарбиялаш каби ёндашиш зарур. Учинчиси. Болани соковликдан асраб колиш, атрофдагилар билан мулокотга ургатиш учун барча воситалардан фойдаланиш керак. Кар болани уқитишнинг (ота-оналар учун) тобора самарали ва кулагай воситалардан бири дактил (бармоклар) нутки саналади. Кичик ёшдаги кар болаларни уқитишда ундан кенг фойдаланилади.

Дактил нутк - кар болаларни уқитишнинг кудратли воситаси, у лугат бойлиги ва наткни узлаштириш сифатини, шунингдек кар болаларнинг умумий ривожланиш даражасини бир неча барабар ошириши мумкин. Кар болаларнинг мактабгача ва мактаб таълимида дактил нутқдан фойдаланилади. Дактил нутк - оғзаки нуткнинг бир куриниши. Ундан фойдаланиш сузларнинг маъносини тушуниш, тилнинг грамматик курилишини эгаллаш демакдир. Бу жуда мухим, чунки бу тарзда болага суз ёрдамида мурожаат килиш, эшитадиган бола каби исталган предметни айтиш мумкин. Бунда сузни овоз чикарибина эмас, балки бармоклар ёрдамида хам «талаффуз килиш» керак. Бунда бола хар бир сузнинг харф таркиби ва грамматик курилишини аник идрок этади. Шу тарика уни нуткка ва мулокотга ургатиш бошланади. Бунда худди эшитадиган боладагига ухшаш жараён кечади.

Вакт утиши билан, товушларни талаффуз килишга урганган бола бармоклари ёрдамида «айта оладиган» сузларини ва ибораларини оғзаки шаклда хам

куллайди. Ота-оналар олдида иккита вазифа туради: хар бир белгини тугри курсатиш ва у алифбодаги кайси харфни англатишини билиш.

Нуткнинг талаффуз томонини шакллантириш иши кар ва заиф эшитувчи болаларнинг эшитиши идроки ривожланиши билан чамбарчас боғлик. Бунинг учун болаларни уйинчокларнинг жаранги (сурнайлар, гармоника, кунгирок, хуштак ва х.к.) билан таништириб бориш, таниш нуткий материални эшитиши асосида фарқлаш ва ажратишдан катта ёрдам бериши мумкин. Эшитиши идрокини ривожлантириш маҳсус машгулотларда ва майший турмушда фаолият турларида амалга оширилади.

### **ЭШИТИШИДА НУКСОНИ БОР БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ**

Оиладаги муҳит ва унинг таъсири. Оила эшитишида нуксони бор болаларнинг илк ижтимоий макони ҳисобланади. Ота-оналарнинг болага бўлган муносабати унинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Қуйидаги жиҳатлар асосий ўрин тутади:

- Қабул қилиш: Боланинг нуқсонини инкор этмаслик, балки унинг имкониятларини тан олиш ва ривожлантиришга ҳаракат қилиш.
- Эмоционал қўллаб-қувватлаш: Боланинг ҳис-туйғуларини тушуниш, унга меҳр кўрсатиш ва унинг ўзини ишончли ҳис қилиши учун шароит яратиш.
- Психологик маслаҳат: Ота-оналар сурдопедагоглар ва психологлар билан ҳамкорлик қилишлари лозим.

Маҳсус таълим тизими ва унинг аҳамияти эшитишида нуксони бор болалар учун маҳсус таълим муассасалари ҳамда инклузив таълим моделлари ривожланмоқда. Бундай муассасаларда сурдопедагоглар ва логопедлар болаларга қуидаги йўналишларда ёрдам беришади:

- Коммуникация қобилиятини ривожлантириш: Ишора тили ва нутқ терапияси орқали мулоқот қўнималарини шакллантириш.
- Ақлий ривожланишини қўллаб-қувватлаш: Турли ўқув дастурлари ва технологиялар орқали боланинг ақлий салоҳиятини ошириш.
- Ижтимоий муносабатлар: Тенгдошлар билан муносабат ўрнатиш имкониятини яратиш.

Техник воситалар ва технологиялар хозирги кунда эшитишида нуксони бор болалар учун замонавий техник воситалар мавжуд. Улар қуидагиларни ўз ичига олади:

- Кохлеар имплантлар: Эшитиши қобилиятини тиклаш учун энг самарали технологиялардан бири.
- Эшитиши қурилмалари: Хар кунги ҳаётда эшитишини енгиллаштиради.
- Маҳсус ўқув материаллари: Визуал-ташкилий қўлланмалар, мультимедиа воситалари ва интерактив платформалар.

Жамоатчиликнинг иштироки маҳалла, мактаб ва бошқа жамоат ташкилотлари болаларнинг ижтимоий интеграциясида муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик болалар учун қуидаги имкониятларни яратиши лозим:

- Мулоқот майдонлари: Инклузив ўйингоҳлар, болалар клублари ва тадбирлар орқали болалар ўртасида муносабатлар ўрнатиш.

- Маърифий ишларни ташкил қилиш: Эшитишида нуксони бор болалар ва уларнинг ота-оналарига психолигик ва хуқуқий маслаҳатлар бериш.

Инклузив таълим: имкониятлар ва қийинчиликлар инклузив таълим эшитишида нуксони бор болаларга тенгдошлари билан бирга таълим олиш имконини яратади. Бунинг афзалликлари қуидагича:

- Боланинг жамиятга мослашуви тезлашади.

- Тенгдошлари билан мулоқот орқали ижтимоий кўнималари шаклланади.

- Ўз-ўзини ривожлантириш учун мотивация ошади.

Бироқ бу жараёнда қуидаги қийинчиликлар ҳам учраши мумкин:

- Ўқитувчиларнинг тайёргарлиги етарли даражада эмас.

- Ота-оналарнинг маълумотсизлиги ёки ўқув жараённада фаол бўлмаслиги.

Психолигик ва ижтимоий қўллаб-куватлаш болаларнинг ривожланишида уларнинг эмоционал ҳолати муҳим ўрин тутади. Болалар:

- Ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ўз қобилиятларини намоён қилишлари мумкин.

- Психологлар ёрдамида ўзини тушуниш ва ўз қийматини ҳис қилиш имкониятига эга бўлади.

Хуласа:

Эшитишида нуксони бор болаларнинг жамиятдаги тенг хуқуқли аъзо бўлиши учун оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Уларга бўлган ишонч ва қўллаб-куватлаш бундай болаларнинг шахс сифатида шаклланишига хизмат қиласи. Ҳар бир бола ўз эҳтиёжлари ва имкониятларига мос шароитларда тарбияланса, уларнинг жамиятда тўлақонли фаолият кўрсатиши мумкин бўлади. Уларнинг тарбиясида муҳаббат, сабр, психолигик ёрдам ва техник воситалардан фойдаланиш уларнинг жамиятда тенг хуқуқли аъзо бўлиши учун муҳим омил ҳисобланади.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Муминова Л. \*Нуткида оғир нуксони булган болалар билан талим-тарбия ва коррекцион-логопедик иш тизими\* -Т. 20011. "Фан ва технология-лар маркази нашриёти" Махсус педагогика Тошкент -2014.

2. Белова Н.И. Специальная дошкольная сурдопедагогика. -Москва, 1985. Юсупова П.

3. Мактабгача тарбия педагогикаси. - Уқитувчи, 1993.
4. Белова Н.И. Специальная дошкольная сурдопедагогика. - М., 1985.
5. Кенжабаев, Ш. А. (1998). История обучения иностранному языку в общеобразовательной школе южных областей Узбекистана (Сурхандарьинская и Каракалпакская области) и пути его совершенствования на современном этапе.
6. Abdulxalimovich, K. S. (2024). VETERINARIYA YO 'NALISHIDAGI TALABALARING KASBIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA INGLIZ TILINI O 'QITISH TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 39(2), 77-81.
7. Abdulxalimovich, K. S. (2024). VETERINARIYA YO 'NALISHIDAGI TALABALARING KASBIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA INGLIZ TILINI O 'QITISHNING TEXNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING ILMII-NAZARIY PEDAGOGIK ASOSLARI. Journal of new century innovations, 46(3), 119-126.
8. Abdulkhalimovich, K. S. (2024). SCIENTIFIC-THEORETICAL PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF IMPROVING THE TECHNOLOGIES OF TEACHING ENGLISH IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF STUDENTS IN THE VETERINARY DIRECTION. Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods, 2(2), 22-28.
9. Кенжабоев, Ш. А. (2023). ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ-ВЕТЕРИНАРОВ. Лучшие интеллектуальные исследования, 9(3), 103-113.
10. Кенжабоев, Ш. А. (2023). ОСОБЕННОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ-ВЕТЕРИНАРОВ. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 17, 177-183.
11. Nishonov, M., & Kenjaboev, S. (2023). THE SIGNIFICANCE OF THE USE OF CHEMICAL EXPERIMENTS IN THE STUDY OF THE TOPIC " PATTERNS OF CHEMICAL REACTIONS ". Science and innovation, 2(B5), 53-56.
12. Kenjaboev, S. (2023). FEATURES OF TEACHING ENGLISH IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B7), 166-170.
13. Kenjaboev, S. (2023). THE PROBLEM AND SOLUTION OF USING ENGLISH LANGUAGE TEACHING TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B7), 159-165.

14. Абдулазизова, С. М., & Мадрахимова, З. Ф. (2024). ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(3), 94-96.
15. Мадрахимова, З. Ф. (2023). СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА В ВУЗЕ. MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS, 1(1), 94-97.
16. Мадрахимова, З. Ф. (2024). Литературные Загадки В Детской Поэзии: Описание, История Создания. Journal of Innovation in Education and Social Research, 2(1), 166-171.